

«Шарғункўмир» АЖ

Бош директори

М.А.Азизкулов

**“Шарғункўмир” АЖда жорий йилнинг 3-чорак давомида коррупцияга қаши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан**

### **ХИСОБОТ**

1. “Шарғункўмир” АЖда коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури асосида “Шарғункўмир” АЖнинг коррупцияга қарши сиёсати талаблари, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати” ҳамда “Совға бериш ва олиш сиёсати” мавзуларида семинарлар ташкил этилди. Жамиятга ишга қабул қилинаётган ишчи-ходимларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини текшириш мақсадида декларациялар олиниб очиқ манбалар, Камбағалликни қисқартириш ва бандликга кўмаклашиш маркази ҳамда ички ишлар органлари томонидан сўровнома асосида ўрганилиб келинмоқда. Товар моддий бойликларни сотиб олиш жараёнида “Инсон омили”ни чеклаш ва коррупцияни олдини олиш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ амалга оширилиши доимий назорат қилиб келинмоқда. Контрагентлар очиқ манбалар асосида ўрганилиб келинмоқда. 2024 йил 1 июль санаси билан №194-сонли буйруқ асосида жамиятнинг “1-сон ер ости усулида кўмир қазиб олиш”, “2-сон очиқ усулда кўмир қазиб олиш”, “4-сон очиқ усулда кўмир қазиб олиш”, “Шамоллатиш, техника хавфсизлиги ва портлатиш ишлари”, ҳамда “Энегомеханика таъмир хизмати ва профилактика ишлари” участкаларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлари ва ишчи ходимларининг коррупцияга қарши курашишда билим даражалари ички аудитдан ўтказилди. 2024 йил 5 август санаси билан жамиятнинг Тоғ-кон ишлари бўйича бош муҳандис ўринбосари, “Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги”, “Бош энергетик”, “Меҳнат ва иш ҳақи”, “Ходимларни бошқариш”, “Юридик бўлим”, “Ички ва ташқи харидлар” бўлимлари ҳамда “Темир йўл транспорти” участкаси ўз йўналиш ва иш фаолиятига боғлиқ барча қилинган ишлар бўйича, ишчи-ходимларининг коррупцияга қарши курашиш билим даражалари ички аудитдан ўтказилди. 2024 йил 6 сентябрь санаси билан жамиятнинг Умумий масалалар бўйича директор ўринбосари, “Бош механик”, “Бухгалтерия”, “Махсус бўлим”, “Умумий бўлим”, “Ишлаб чиқариш хизмати” участкаси, “Кўмирни қабул қилиш ва юклаш” участкаси, 10-штольня “Кўмирни қабул қилиш ва юклаш” участкаси, ““Шарғункўмир” АЖни Модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш бўлими, ““Шарғункўмир” АЖни Модернизация қилиш, лойиҳани кузатиш, қурилиш ва монтаж ишлари” бўлими ҳамда “Марказий электромеханика устахона” участкаси иш фаолиятларини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлар,

Ойлик иш ҳақлари, устамалар, мукофот пуллари, ташқи ва ички хатлар ижроси, баённома ва буйруқлар ижросини таъминланиши ҳамда инжинер-техник ходимларнинг коррупцияга қарши курашишда билим даражалари ички аудитдан ўтказилди.

2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида 2024 йил 22 июльда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5-июндаги ПҚ-210-сон Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида №205-сонли буйруқ қабул қилиниб “Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сон Қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинди. “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга қаратилган семинар ташкил этилиб веб-сайт ва телеграм каналларда кенг тарғиб этилди. Ходимлар иш жойида эслатма сифатида фойдаланиш учун манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ва бундай вазиятларда кўриладиган чоралар бўйича иллюстратив тарқатма ва услубий қўлланмалар чоп этилиб муҳандис-техник ходимларга тарқатилди.
3. Жамият коррупцион хавф-хатарлар харитаси тузилган бўлиб унда юқори даражадаги хавфларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Унинг натижасида коррупцион хавф-хатар даражаси юқори бўлган бўлим ҳамда бўлим ходимлари дастурда белгиланган чоралар асосида билим даражалари ҳамда фаолиятлари доимий равишда мониторинг қилиниб келинмоқда.
4. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича жамиятга ишга қабул қилинаётган барча ишчи-ходимларидан манфаатлар тўқнашуви мавжуд/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги (Декларация) аризалар олиниб очик манбалар ҳамда тўлдирилган декларациялар асосида жамият одоб-ахлоқ комиссияси томонидан ўрганилиб келинмоқда. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг масофавий ўрганиши натижасида аниқланган манфаатлар тўқнашуви бўйича чоралар кўрилиб, юзага келиш эҳтимоли мавжуд бўлган коррупциоген ҳолатлар бартараф этилди.
5. Жамиятнинг меҳнат шартномаларига ҳамда олди сотди шартномаларига коррупцияга қарши бандлар қўшилган.
6. Жамиятдаги барча харидлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари” тўғрисидаги 684-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сонли “Давлат харидлари шаффофлиги таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорига мувофиқ амалга оширилган. 3-чоракда 57 та контрагент ўрганилган. Контрагентларни текшириш жараёнида салбий ва қонунга зид бўлган ҳолатлар аниқланмаган.
7. Жорий йилнинг 5-август санаси билан рўйхатга олинган №218-сонли буйруқ асосида “Меҳнат ва иш ҳақи” бўлими “Шарғункўмир” АЖда 2-чоракда ишчи-ходимлари ҳамда раҳбар ходимларини мукофотланиши ички аудитдан

ўтказилиб барча берилган мукофот пуллари жамият ишчи-ходимлари ва раҳбар ходимларини мукофотланишини тартибга солувчи 2022 йил 1-май санаси билан рўйхатга олинган Низомга мувофиқ тўлаб берилганлиги ва ҳеч бир коррупцион омил аниқланмаган. 2024 йил 6-сентябр санаси билан рўйхатга олинган №238-сонли буйруқ асосида “Шарғункўмир”АЖ “Бухгалтерия” бўлимида иш ҳақи ҳисобланиши ички аудитдан ўтказилиб коррупциоген омил аниқланмади. 3-чоракда ходимларга қимматбаҳо совғалар берилмаган. Фуқароларни ишга қабул қилиш “Шарғункўмир”АЖнинг 2024-йил 10-январь санаси билан тасдиқланган №35 сонли “”Шарғункўмир”АЖга кадрларни танлаш ва ишга қабул қилиш тартиби” буйруғига асосан комиссия сужбати асосида амалга оширилмоқда.

8. Ҳисобот даврида жамият алоқа каналлари орқали коррупцион омиллар бўйича ҳеч бир маълумот келиб тушмаган.
9. 3-чоракда Жамиятда коррупцион қоидабузарликлар аниқланмади.
10. Жамиятнинг ишчи ходимлари ва раҳбар ходимларни ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳамда коррупцияни олдини олиш мақсадида “Шарғункўмир”АЖнинг коррупцияга қарши сиёсати талаблари юзасидан семинар, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ” талаблари мавзусида ҳамда “Совға бериш ва қабул қилиш сиёсати” талаблари мавзуларида семинарлар ташкил этилди.